

Зийнатой КОМИЛЖОН кизи

**СЕНСАН ҚАДРУ  
ҚИММАТИМ,  
ВАТАН!..**

*(Шеърлар)*

“ФАРҒОНА” НАШРИЁТИ  
НАЗОРАТ НУСХА

«Фарғона» нашриёти,  
2013 йил



УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)7 - *Ўзб. араб.*  
К64

Комилжон кизи, З.

**СЕНСАН ҚАДРУ ҚИММАТИМ, ВАТАНИ!..**: Шеърлар  
/ Зийнатой Комилжон кизи (Абдуллаева). – Фарғона :  
«Фарғона» нашриёти, 2013. – 32 б.

*Эзгу ният билан экилган ниҳол вақти келиб ўз тотли меваларини беради. Шеъриятга ҳавас қўйган минглаб ёшлардан бири – Зийнатой Комилжон қизининг кунгил розларидан жамланган мазкур тўпламни илк тажриба, дастлабки қадам сифатида баҳолаш мумкин. Бу китоб ўз муаллифи зиммасига алоҳида масъулият юклаб, уни бадший баркамоллик сари тинимсиз интилишига ундайди, деб ўйлаймиз.*



УЎК 821.512.133-1  
КБК 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-349-86-5

*NO 42104*  
*D*

© З.Абдуллаева – 2013  
© «Фарғона» – 2013

2014/8 A 728	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
--------------------	--

## ШИЖОАТ ЁР БЎЛСИН!

*Ёш ижодкор Зийнатой Комилжон қизининг шеърлари, аввало, покиза бир самимиятга йўғрилгани билан эътиборга молик. Унинг кўплаб сатрларида ўз олдига она-юртига муносиб фарзанд бўлиш вазифасини қўйган навқирон қалб эгасининг қатъиятли овози баралла эшитилиб туради.*

*Юрагидаги эзгу ва жўшқин туйғуларини қозоғза тўқар экан, қаламкашининг озми-кўпми ижод заҳматини тортгани сир эмас. Бу унинг шеърий машқлари равон ўқилишида, оҳангдорлигида кўриниб турибди. Зийнатой ҳаёт, ёшлик завқини тараннум этиши билан бир қаторда Ватанга, дўст-ёрга, табиатга бўлган муҳаббатини жонли мисраларда гавдалантиришига ҳаракат қилади.*

*Муаллифнинг ўзи ҳам шеърларидек содда, бегубор. Аммо бир ишга азму қарор қилса рўёбига етмагунча тиниб-тинчимайдиганлар хилидан. Айни шу хислати билан у бугунги кунда ўзи таҳсил олаётган 2-Маргилон тиббиёт коллежидаги устозлари ва тенгдоиларининг ҳурматини қозонган. Доимо ижодий изланиш билан банд. Ўқув муассасасидаги «Чашма» деб номланган тўғарак машгулотларида қатнашиб, устозларидан керакли йўл-йўриқларни олмоқда.*

*Ижод – машаққат демак. Зийнатойга ана шу машаққатли йўлда қатъият ва шижоат доимо ёр бўлишини тилаб қоламан.*

*Камол Ҳидоят, шоир.*

## **СЕНСАН ҚАДРУ ҚИММАТИМ, ВАТАН!..**

Яшайдирман билмайин қайғу,  
Тунлар илҳом бермайди уйқу,  
Ватан деган муқаддас туйғу  
Қалам тутди қўлимга, шодман.

Менинг вақти чоғим, сен, Ватан,  
Сўлим гўша, боғим, сен, Ватан!  
Буюк суянч тоғим, сен, Ватан,  
Сендаги ҳар қунимга шодман.

Олтин тупрок, бўрсилдок ноним,  
Ўзинг менинг шарафим, шоним.  
Юлдуз мисол чакнаб ҳар оним,  
Берганинг– бахт гулимга шодман.

Сенга розим шеърга айланиб,  
Мисраларга ишқим жойланиб,  
Хизматингга дилим шайланиб,  
Равон, ёруғ йўлимга шодман.

Меҳрингдан куч, ғайратим, Ватан,  
Сенсан қадру қимматим, Ватан,  
Баҳоси йўқ давлатим, Ватан,  
Бағрингда хур элимга шодман!..

## МЕҲРИНГ – ГУЛ ПОЁНДОЗ

Таърифнингга сўзим – бисотим етмас,  
Борми жамолингга мендайин шайдо?  
Кундан-кун ҳурлардек очарсан чирой,  
Ошиқ қизингдирман, қалбимда наво.

Бошимни силарсан онадек суйиб,  
Содиқман ўзингга, оклаб бурчимни.  
Яшаш бахт сен билан ҳамдард, ҳамнафас,  
Мен кимман, аясам сендан кучимни?

Бошингда ҳумо куш, бахтлар юртисан,  
Меҳринг – гул поёндоз икбол йўлимда.  
Мен қизинг эмасман, агар эртага  
Бир чаман ўсмаса ўнгу сўлимда.

Камолат йўлимда ўзинг мададкор,  
Зафарлар қучгайман, албатта, Ватан.  
Зеро, туғилиб кўз очган чоғимдан,  
Мени ўраб олдинг нурга дафъатан.

## ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН

Ҳар кимни бу ҳаёт синаб ўтар хўп,  
Ўта билсанг магар, сийловлари кўп.  
Дош бермас кимсалар синар мисли чўп,  
Синишни билмагин, эй қаро кўзим!

Учармиз вақт келиб учгандек япроқ,  
Кул эмас, гул қолсин боргунча тупроқ,  
Бўлсак гар чин меҳру шафқатдан йироқ,  
Айтгил, биздан нима қолар, ёлғизим?

Сохталиқ, лоқайдлик тўкилиб кетсин,  
Қилвирлик чокидан сўкилиб кетсин,  
Орзуга йўл бериб, чекиниб кетсин,  
Йўқса биздан нима қолар, ой юзим?

Яхшидан боғ қолар, ёмондан озор,  
Бу дунё шундайин ажиб бир бозор,  
Қисқаси, бағрига олганда мозор,  
Ул кун биздан нима қолар, бол сўзим?

Кўлни қўлга бериб, иноқ яшайлик,  
Яхшилар йўлига гуллар тўшайлик,  
Ҳам элга арзирли бахт улашайлик,  
Биздан обод Ватан қолсин, азизим!..

## ДИЛ РОЗИМ

Айтсам дилдаги розим,  
Бу кун баланд парвозим,  
Бахтли ўзбек кизиман,  
Жаранглар хуш овозим.

Шодлик балқар юзимда,  
Порлаб турган кўзимда,  
Юртимга муҳаббатим  
Кўшиғимда, созимда.

Эл олдида бурчлиман,  
Тўмарисдек кучлиман,  
Сен учун жоним фидо,  
Ғанимларга ўчлиман.

Қушлар сайрар боғингда,  
Кийик яйрар тоғингда,  
Толеимдан ўргилай,  
Улғайдим кучоғингда.

Юртим, номус, иймоним,  
Азизим, жонажоним.  
Кам бўлма, бу оламга  
Сайқал жаннатмаконим.

## ЖОНЛАРГА ЖОН ФАРҒОНА...

Ассалом, эй онажон, жонларга жон Фарғона,  
Озод, обод Ватанда хислатга кон Фарғона,  
Сенга таъзим, сувлари рохатижон Фарғона,  
Олтин водий, нурафшон, меҳри жаҳон Фарғона.

Донишманд Ал-Фарғоний боболарнинг руҳи ёр,  
Нодира ҳам Увайсий момоларнинг руҳи ёр,  
Хур ўлкасан, Кумушой зеболаринг руҳи ёр,  
Йўк сендек лутфи латиф, суҳбатижон Фарғона.

Кутлуғ йўлда ҳамиша сенга ёрдир бахт, икбол,  
Кундан-кунга ободсан, кутар буюк истикбол,  
Марғилон атласининг жилосига жаҳон лол,  
Доим бор бўл, кам бўлма, гул-гулистон Фарғона.

Таърифинг адоси йўк, ёшларинг ғайратга ёр,  
Якдил ҳалқинг сен билан яшар шодон, бахтиёр,  
Толеимдан ўргилай, бердинг имкон, ихтиёр,  
Қайда менга сенингдек гўзал бўстон, Фарғона.

Доим эзгу иш билан пок ният инсонларинг,  
Кураги ерга тегмас, мард эрур полвонларинг,  
Яхшиликка сафарбар ҳар лаҳза, ҳар онларинг,  
Сенсан ҳаёт йўлимда мохитобон, Фарғона.

Болдайн тилим ўзинг, ҳам жону дилим ўзинг,  
Сенга муносиб фарзанд бўлсин ҳар ўғил- кизинг,  
Ҳамиша бўлсин баланд шон уфқида парвозинг,  
Мадҳи элларда дoston, жамнатмакон Фарғона.



## ОРЗУЛАР ЙЎЛИДА

Осмон каби чексиз орзулар  
Уфки томон парвоз этаман.  
Орзуларим кучиб, саралаб,  
Гулдастадек сизга тутаман.

Бобом айтган нурли эртақлар,  
Рўёбига талпинар юрак.  
Имкон борда ёниб куймаса,  
Ушбу юрак не учун керак?

Дилда неча орзу мужассам,  
Гуллар мисол жуда ҳам нозик.  
Бирда якин ва бирда узок,  
Хур кизлардек ширин ва нозлик.

Самоларга нигоҳ қадайман,  
Ўй— хаёлим этар бебошлик.  
Раъно гулдек бунча гўзалдур  
Завқларга ёр лиммо-лим ёшлик.

Осмон каби чексиз орзулар  
Уфки томон парвоз этаман.  
Орзуларим кучиб, саралаб,  
Гулдастадек сизга тутаман.

## ЎЗБЕК АЁЛИ

Ўсма кўйиш одат сизга азал-азалдан,  
Қайси ошиқ юз ўғирар сиздек гўзалдан,  
Гул тутарман жон деб сизга қўшиқ, ғазалдан,  
Бунчалар ҳам иболисиз, ўзбек аёли,  
Сўзу кўзда маънолисиз, ўзбек аёли.

Жаннатларнинг ифори бор изларингизда,  
Куёш тафти балқиб турар юзларингизда,  
Меҳригиё ёниб турар кўзларингизда,  
Бунчалар ҳам зебодурсиз, ўзбек аёли,  
Гуллардан-да раънодурсиз, ўзбек аёли.

Сиз бор жойда баҳорларга айлангуси куз,  
Қаён борманг, ортингизда қолар нурли из,  
Мадҳингизга қўшиқ битдим мен—бир куйчи киз,  
Кумушойдек ҳаёлисиз, ўзбек аёли,  
Зулфиядек зиёлисиз, ўзбек аёли.

Матонатда, садокатда тождор ўзингиз,  
Дардга малҳам, дилга оро ҳар бир сўзингиз,  
Оллоҳ доим улуғ қилсин ризқу рўзингиз,  
Бу оламда танҳодурсиз, ўзбек аёли,  
Хурлардан-да барнодурсиз, ўзбек аёли.

## ШОИР

Шоирлари бор Ватан  
Довруғи дoston бўлар.  
Эзгулик кўшигидан  
Чўл, сахро бўстон бўлар.

Нурга ташна, парвона  
Бўлса ҳамки девона,  
Шоир бўлмас ҳеч қачон  
Ўз юртига бегона.

Кўксида ишк лоласи,  
Шеър шоирнинг ноласи.  
Бошга қилич келса ҳам,  
Шоир халқнинг боласи.

Элим дейди юраги,  
Эзгуликдир тилаги.  
Керак бўлса, ёв чопар  
Қалам тутган билаги...

## ШИФОКОР БЎЛСАМ...

Ким бўласан десангиз,  
Бўлсам дейман шифокор.  
Ибн Сино бобомдек  
Топмоқ бахт ҳар дардга кор.

Довон ошиб бу йўлда  
Юртга меҳрим бераман.  
Инсонлар кулгусида  
Ўз бахтимни кўраман.

Мен биламан, ок либос  
Оқлик, поклик нишони.  
Докторларнинг ҳаёти  
Фидойилик ҳар они.

Ўкиб, билиб, ўрганиб  
Олга юриш қарорим .  
Эртаси буюк юртга,  
Элга хизмат шиорим.

Устозларга эргашиб,  
Хаста дилни этгум шод.  
Истагим дард кўрмасин,  
Бахтиёр янги авлод.

## ДЎСТЛАРИМГА

Давом этар экан токи бу хаёт,  
Чин дўстлик гулшани доим бархаёт.  
Бу ашъор сиз учун битилган баёт,  
Ҳамиша бор бўлинг, азиз дўстларим!

Яхшини йўқлар дўст навбати бордир,  
Окибат аталган давлати бордир,  
Чинордек чўкмас кад савлати бордир,  
Ҳамиша бор бўлинг, азиз дўстларим!

Дўсти йўк кимсалар бағри саҳродир,  
Дийдордан бебаҳра қалби яродир,  
Ҳиёнат қилса ким, кўнгли қародир,  
Ҳамиша бор бўлинг, азиз дўстларим!

Истагим, дўст суйган аҳдга ёр бўлсин,  
Яхши дўст зар эмас, дардга ёр бўлсин.  
Ўзидек вафодор, мардга ёр бўлсин,  
Ҳамиша бор бўлинг, азиз дўстларим!

## СОҒИНЧ

Мусофирлик бошга тушиб,  
Кундан-кунга меҳрим жўшиб,  
Ҳар он бу дардга дард кўшиб,  
Соғиндим сиз азизларим,  
Отажоним, онажоним.

Камолимиз сизгадир аҳд,  
Не истасак этгайсиз тахт,  
Борлигингиз ўзи чин бахт,  
Соғиндим сиз азизларим,  
Отажоним, онажоним.

Иқболимга кўргонимсиз,  
Хатар келса тўғонимсиз,  
Оқ йўл тилаб колғонимсиз,  
Соғиндим сиз азизларим,  
Отажоним, онажоним.

Зийнатойдир ой қизингиз,  
Олгум албат гул изингиз,  
Иқболимга бор бўлинг Сиз!..  
Соғиндим сиз азизларим,  
Отажоним, онажоним.

## СИЗ САБАБ...

*(Онажоним Дилдорахон Илҳомжон қизига)*

Оғрисам кор излаб, куюнган онам,  
Қувонсам қувониб, суюнган онам.  
Ҳар неки тиласам, бадастир айлаб,  
Боласин бахтига тўйинган онам.

Ўргандим мен сиздан, недур садокат,  
Инжиқлик қилсам ҳам килурсиз токат.  
Кўрмадим сизнингдек меҳри дарёни,  
Сиз сабаб менга ёр бахту саодат.

Сиз сабаб кизингиз букун саришта,  
Камолот боғида мисли фаришта.  
Орзулар уфкида йўлчи юлдузим,  
Шодман мададингиз сезиб ҳар ишда.

Муносиб кизингиз бўла олсам бас,  
Яшайман, дилимда шу ният, ҳавас.  
Узоқ умр кўринг, жон онажоним,  
Менинг учун бундан буюк бахт бўлмас!

## ТАЪЗИМ

Бахт йўлим узра сорбон,  
Доно, зукко, билимдон,  
Меҳри дарё, бола забон,  
Таъзим сизга, устозлар.

Темурий насли коним,  
Сиздандир ҳар имконим,  
Бағри иссиқ маконим,  
Таъзим сизга, устозлар.

Ўз ишида мардонам,  
Сўзи ҳикмат, дурдонам,  
Ҳам онамдек парвонам,  
Таъзим сизга, устозлар.

Дунё сирин сўзлайсиз,  
Иқболимни ўйлайсиз,  
Камолимиз кўзлайсиз,  
Таъзим сизга, устозлар.

Сабоғингиз ёклайман,  
Доим ёдда саклайман,  
Ишончингиз оклайман,  
Таъзим сизга, устозлар!



## ЗУЛФИЯХОНИМГА

Китобингиз ўқиб, ўйга толаман,  
Гўё ёнингизда бўлиб қоламан.

Бир умр ватаним, элим дедингиз,  
Фарзанд, шогирдларни ёниб севдингиз.

Шеърят гулшанин этдингиз обод,  
Мухлислар миннатдор сиздан умрбод.

Садоқат бобида ўзингиз танхо,  
Халким берди сизга муносиб баҳо.

Гўзал ижодингиз дилларда колди,  
Ардокли номингиз тилларда колди.

Сиз ўзбек аёлин нурли тимсоли,  
Фидойи, куюнчак, латиф, ҳаёли.

Юрган йўлингиздан юргим келади,  
Шеъримдан бир дунё кургим келади.

Китобингиз ўқиб ўйга толаман,  
Мен сизга муносиб шогирд бўламан.



2017/8 А 428	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
--------------------	--


## БОЛАЛИК БАҲОРИ

Болалик баҳори ўзгача,  
Акс этар юзлардан кўзгача.  
Бошида ранго ранг камалак,  
Гул терар сочлари жамалак.

Во ажаб, чечаклар мафтунни,  
Мўъжиза яратиб ҳар кунни,  
Кундан-кун очгандек кўз булок  
Дунёни кашф этар қизалок...

Болалик беғубор, завки бор,  
Капалак мисоли беозор.  
Негаки дил дафтар ок бўлар,  
Тўлса бахт уфкида орзулар.

Болалик баҳори ўзгача,  
Акс этар юзлардан кўзгача.  
Бошида ранго ранг камалак,  
Гул терар сочлари жамалак.



## ВАРРАГИМ, ҲО ВАРРАГИМ...

*(Болаларга)*

Варрагим бор, варрагим,  
Қаранг, баланд учади.  
Узун кўйсам ипини,  
Ок булутни кучади.

Ҳар кун варрак учириб,  
Ким ўзарни бошлаймиз.  
Гар енгилсак, тан олиб,  
Ғирромликни ташлаймиз.

Ана, қаранг, варрагим  
Қуёшга талпинади.  
Шох ташлашни билмайди,  
Шох ташлаган синади.

Бу ҳам бизга бир сабоқ,  
Раҳмат сенга, варракжон.  
Сен туфайли шодлигим,  
Билсанг, букун бир жаҳон.

Варрагим, хо варрагим,  
Доим баланд учавер.  
Орзуйимга бош бўлиб,  
Самоларни кучавер.

## ЯШИЛ РАНГ ИШҚИДА...

Табиат султони бўлса-да одам,  
Аслида табиат бизларга она.  
Биз унинг фарзанди, онгли мавжудот,  
У бизга азиздир, эмас бегона.

У тоғдир, дарёдир ва ёки денгиз,  
Барчаси биз учун яқин кадрдон.  
Турфа хил гиёҳлар, чечакларга бой,  
Сехрли, бой ўлка, ям-яшил ўрмон.

Хайвонот оламин кошонаси у,  
Демангиз жони йўк, унинг жони бор.  
Гуноҳи азимдир, ким берса озор,  
Ҳар япрок, бутанинг шаффоф кони бор.

Бир ҳикмат кўраман боғларга бокиб,  
Яшил ранг юксалиш, англамоқ керак.  
Орзулар йўлида у менга тимсол,  
Яшил ранг ишқида ёнар бу юрак.

Бор бўлсин ҳамиша юртим боғлари,  
Она табиатнинг яшил гавҳари.  
Авайлаб асрамоқ сиз-у бизга фарз,  
Унутманг, бўлсангиз эл-юрт севари.

## БОГИМДА

Боғимда бир гулгунча,  
Ғунча лаби тугунча,  
Очилибди қип-қизил,  
Гўзал бўлмаса бунча!

Боғбонимга раҳмат деб,  
Салом қилгандек бўлди.  
Севинчдан чапак чалиб,  
Кўзим қувончга тўлди.

Тупроғини юмшатиб,  
Сув қуйиб, қилдим ўток.  
Менга яқин дўст бўлди,  
Гўё гул юзли ўрток.

Меҳнатига завқ билан  
Боқар экан одамзот.  
Табиатга ҳам бирдек  
Ёқар экан одамзот.

Фарзандлари боғбон юрт,  
Бекиёс чаман бўлсин!  
Озод, обод Ватаним  
Ҳамиша гулга тўлсин!

## ҚУЁШ БОБО, АССАЛОМ...

Қуёш бобо, ассалом,  
Сени кутиб олиш бахт.  
Ажиб, илиқ тафтингни  
Кўнгилга жо қилиш бахт.

Мўъжизакор нурларинг,  
Ризк-руз эшигин очар.  
Мададингга ишониб,  
Дехкон ерга дон сочар.

Заррин ёғдуларингдан  
Ер яшнаб, обод бўлар.  
Ҳосилга бой далалар  
Завкидан дил шод бўлар.

Сенинг сабаб эл хуррам,  
Полизларда бол битар.  
Кераксан барча жонга,  
Сен бор жойдан дард кетар.

Ҳар тонг сени кутаман,  
Илк нурларинг кўриш бахт.  
Ажиб, илиқ тафтингни  
Кўнгилга жо қилиш бахт.

## ЖОН МАКТАБ

Ассалом, жон мактаб, кадрдон даргоҳ,  
Масканлар ичида энг улуғ, азим.  
Кучоғингда ўқиб, дунё танидим,  
Оз, сенга ҳар қанча айласам таъзим.

Ёз бўйи дам олдик, бағринга қайтдик,  
Қувончу завқ-шавққа тўлди кучоғинг.  
Сендан бошланади камолот йўли  
Қалбларга офтобдир меҳр ўчоғинг.

Соғиндик биз сени, янги сабоқни,  
Накадар тотлидир дўстлар дийдори.  
Устозлар кўзида, сўзида ғурур,  
Шогирдлар бахтига бахшида бори.

Синфдош дўстларим кўлида гуллар,  
Ҳадемай кўнғироқ синфга бошлар.  
Илм–бахт қалити, битмас хазина,  
Кўп ўқиб, билмакдан қолманг, тенгдошлар!

## КЕЛИНЧАК БАҲОР

Сувларга тўлибон сой бирла анҳор,  
Яна келди гўзал фасли навбаҳор.  
Сепи гул либосдан, нафосатга бой,  
Саломга чиққандек келинчак наҳор.

Юлдузлар чарақлар жимирлаб тунда,  
Юрт чирой очмоқда, ҳар тонгда, кунда.  
Хандон кушлар сайраб завқ бериб бунда,  
Элимга хуш келдинг, келинчак баҳор!

Тиш ёриб гунчалар, минг турфа гуллар,  
Боғ томон талпинар шодон кўнгиллар.  
Ҳар куртак, ниҳолда эзгулик кулар,  
Элимга хуш келдинг, келинчак баҳор!

Борликка тўшалди зангори гилам,  
Қувончим, шодлигим букун бир олам.  
Баҳорга шукрона айтмас қай одам,  
Элимга хуш келдинг, келинчак баҳор!



## МУШУКЧАМ

Кел, кела қол, мушукчам  
Юнглари юмшоққина.  
Овкатиңни ея қол,  
Қолдирмай ушоққина.

Доим эрта турасан,  
Юз-қўлиңни ювасан.  
Шўхлик килиб, кушларни,  
Ерга кўнса, кувасан.

Бу одатиң кўп ёмон,  
Кушга озор айлама!  
Кемирувчи сичқондан  
Ўзгасини пойлама.

Солдиңг букун ҳайратга,  
Касалмисан ё дўстим?  
Бир йил бўлди, миттисан,  
Сен ўсмадиңг, мен ўсдим.

Маслахатим эрта тур,  
Бадантарбия айла!  
Йўкса менга етолмай  
Доғда қоласан, ўйла!

## ЎЗГАНИ РАВО КЎРМАЙМАН...

Кипригим остида асраганим сиз,  
Туйғулар олдида чўкаяпман тиз,  
Сизга асирадир мендек дилбар киз,  
Ўзимга ўзгани раво кўрмайман.

Йўл топиб келсангиз бокиб юлдузга,  
Муҳаббат асири бўлган ой қизга,  
Отилиб чиқишим боиси – сизга  
Ўзимдан ўзгани раво кўрмайман.

Майлига, ишқ – олов, оташда ёнсам,  
Ёрмасман, бир лаҳза мен сиздан тонсам.  
Бахт менга – меҳрингиз тотига қонсам,  
Сиз учун ўзгани раво кўрмайман.

Бу ҳаёт бўстони сиз билан гўзал,  
Сиз ўша шахзодам, кутганим азал.  
Шу сабаб сиз учун биздан-да афзал,  
Ўзимдан ўзгани раво кўрмайман.

## КЕЛМАЙСИЗ...

Самоларда парвоз айлайсиз,  
Муҳаббатдан ёниб куйлайсиз,  
Чиндан ошик булбул бўлсангиз,  
Нега мени йўклаб келмайсиз?

Ок булутда учиб юрибман,  
Ишқ шаробин ичиб юрибман,  
Сиз деб хаёл кучиб юрибман,  
Нега мени йўклаб келмайсиз?

Гоҳ ердасиз, гоҳи осмонда,  
Гоҳи чўлда, гоҳи бўстонда,  
Қалб телбадек урган ҳар онда,  
Нега мени йўклаб келмайсиз?

Кўчаларда сарсон юганда,  
Йўлингизга мен зор турганда,  
Тушингизда мени кўрганда,  
Нега мени йўклаб келмайсиз?

Сиз деб юрган йўлларим эслаб,  
Мен ҳакимда барчага сўзлаб,  
Бу дунёда борлигим эслаб,  
Нега мени йўклаб келмайсиз?

## МУҲАББАТ

Айтганларим кўп эди сенга,  
Тингламадинг, тарк этдинг нега?  
Бефарқмидинг ёки сен менга,  
Кўнгил зорим бўлдинг, муҳаббат.

Дарёлардек тошиб турардинг,  
Ҳардамхаёл бўлиб юрардинг,  
Билмам, кимни хаёл сурардинг,  
Синган торим бўлдинг, муҳаббат.

Ёр йўлига гулларим сочдим,  
Оймомога сирларим очдим,  
Ёр ўрнига саробни кучдим,  
Ҳол ночорим бўлдинг, муҳаббат.

Қалбга кирдинг қачон, билмадим,  
Ёндим, куйдим, лекин кулмадим.  
Синовларинг малол олмадим,  
Жон бедорим бўлдинг, муҳаббат.

## САДО БЕР...

Накадар гўзалсан, ширинсан, ҳаёт,  
Кўнгил бахти учун яралган дунё.  
Минг шукр, сенгадир дилдаги баёт,  
Бу юрак билмайди қабиҳлик, риё.

Ёнаман бамисли ўт, гулхан бўлиб,  
Ўткинчи ҳисларга қилмайман парво.  
Томирлар жўш уриб, севгига тўлиб,  
Муҳаббат бобида этма Мосуво.

Шодликдан тоғларга ҳайкирган чоғим,  
Садо бер, эй ҳаёт, дилга ўт қалаб,  
Ҳам гулга қон айла муҳаббат боғим,  
Чин ошиқ элига фақат бахт тилаб.

## ШЕЪР ИШҚИДА

Шеър ишқида юрагим ёнар,  
Чунки шеърда илоҳий сеҳр.  
Ҳалқим учун жўшиб ёзмасам,  
Қани менда элимга меҳр?

Чунки элим дардим ва бахтим,  
Ундан айро топмасман қадр.  
Шу юрт учун ёниб яшайман,  
Ёна билмас кимса бекадр.

## ТЎРТЛИКЛАР

Она Ватан, бахтларга коним,  
Ўзингдирсан чин меҳрибоним.  
Сенда икбол, сенда истикбол,  
Сенинг учун бахшида жоним.

\*\*\*

Қалам тутди кўлимга  
Бурч деган туйғу.  
Адо этмак йўлида  
Ёвдир кўп уйку.

\*\*\*

Дилимда эзгу ҳавас,  
Орзу кучиб ҳар нафас  
Яшаш бахтдир, эл-юртга  
Лойик фарзанд бўлсам бас!

\*\*\*

Томиримда Бибихоним кони окар,  
Кумушбиби ноз-ибоси элга ёкар.  
Муродимга етай дейман одоб билан,  
Одоблига, ахир, омад кулиб бокар.

\*\*\*

Зийнатой, шахдам бос, доим олға юр,  
Тирноқча қадри йўк мудраган одам.  
Файратга ёр, ёниб яшар бўлса ким,  
Гўзал тухфаларин бахш этар олам.

## Мундарижа

Шижоат ёр бўлсин! (Камол Ҳидоят) .....	3
Сенсан кадру кимматим, Ватан! .....	4
Меҳринг – гул поёндоз .....	5
Обод Ватан колсин .....	6
Дил розим .....	7
Жонларга жон Фарғона... ..	8
Орзулар йўлида .....	9
Ўзбек аёли .....	10
Шоир .....	11
Шифокор бўлсам... ..	12
Дўстларимга .....	13
Соғинч .....	14
Сиз сабаб... ..	15
Таъзим .....	16
Зулфияхонимга .....	17
Болалик баҳори .....	18
Варрагим, хо варрагим... ..	19
Яшил ранг ишқида... ..	20
Боғимда .....	21
Куёш бобо, ассалом... ..	22
Жон мактаб .....	23
Келинчак баҳор .....	24
Мушукчам .....	25
Ўзгани раво кўрмайман... ..	26
Келмайсиз... ..	27
Муҳаббат .....	28
Садо бер... ..	29
Шеър ишқида .....	29
Тўртликлар .....	30

2500 сўм

Адабий-бадиий нашр

**Зийнатой КОМИЛЖОН қизи**  
**СЕНСАН ҚАДРУ ҚИММАТИМ,**  
**БАТАН!..**  
(Шеърлар)

Муҳаррир: А. Содиков  
Тех. муҳаррир: Н. Ҳошимов  
Дизайнер: С. Ҳасанов

Нашриёт лицензияси: А.І.№ 162. 2009 йил 14 август.  
Теришга берилди: 26.06.2013. Босишга рухсат этилди:  
22.07.2013. Бичими: 84x108  $\frac{1}{32}$ . Офсет усулида чоп  
этилди. «Times New Roman» гарнитураси. Нашриёт  
босма табағи: 1,0. Шартли босма табағи: 1,25.  
Адади: 500 дона. Букюртма №1454

«Фарғона» нашриёти  
Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

«ПОЛИГРАФ-ПРЕСС» МЧЖ босмаҳонаси.  
Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «б» уй